

Зулм ва хатолардан сақланиш



21:00 / 04.11.2022 2346

Ёфиъийнинг «Миръотул жанон» номли китобида келади:

«Суфён Саврий роҳимаҳуллоҳ халифа Абу Жаъфар Мансурни умуман ёқтирмас эди. Абу Жаъфар уни ўлимга ҳукм қилди. Ҳукми ижроси учун уни қидиришларини буюрди.

Суфён Саврий улардан яшириниш учун Яман томонларга кетди. Қишлоқма-қишлоқ юриб одамларга ҳадис ўргатди, динни таълим берди. Кишилар уни танимасдан ниҳоятда эҳтиром қилишар эди.

Кечаси қишлоқларнинг бирига бориб тунади. Ўша оқшом қишлоқдан бир кишининг уйини ўғри урди. Суфён Саврий бегона бўлганлиги учун уни ўғрига чиқаришди. Уни Маън ибн Зоиданинг олдига олиб келишди. Маън Мансурнинг Ямандаги волийси эди. Кишилар Суфённи Маънга топшириб дейишди:

- Мана бу киши нарсаларимизни ўғирлаб яна тонмоқда!

Маън сўради:

- Буларнинг гапига нима дейсан?

Суфён деди:

- Мен уларнинг ҳеч нарсасини олганим йўқ!

Маън Аллоҳ берган фаросати билан олдида турган юз ўғрининг юзига ўхшамаслигини сизди. Атрофидаги аёнларига деди:

- Туринглар, кетинглар! Менинг у билан алоҳида гапим бор!

Улар кетгач Маън сўради:

- Сен кимсан?

- Абдуллоҳ(Аллоҳнинг бандаси)!

- Кимнинг ўғлисан?

- Абдуллоҳнинг(Аллоҳнинг бандасини)!

Маън деди:

- Биз барчамиз Аллоҳнинг бандаларимиз. Исминг нима?

- Суфён ибн Саъид ас-Саврий!

- Мўминлар амири ҳали сени қидириб юрибдими?!

- Ҳа!

Маън бироз жим туриб деди:

- Сен каби кишиларни мен уларга топширмайман. Бор истаган жойингда хотиржам яшайвер!

Зимнида зулм аралашган шерикликни тарк қилиш сиздан талаб қилинмайди, аммо зулмга шерик бўлмаслик албатта матлубдир. Ҳеч қачон зулмни амалга оширувчи қўл бўлманг!

Умумий вазифалар барчаники. Агар ҳоким хулафои рошидинлардан бўлмаса сиз ундан масъул эмассиз. Сиз ўзингиздан, тутган йўлингиздан масъулсиз. Инсонларнинг иши Аллоҳнинг зиммасида!

Барчамиз ўзимиз яшаётган воқеликдаги кўп нарсаларни ислоҳ қилишдан ожизмиз. Аммо ҳаммамиз қийшиқ воқеликда ҳам тўғри бўлишимиз имкони борлигини биламиз.

Барчамиз тўғри йўлдан юришга, яқинлашиб юришга муҳтожмиз. Қўлимиздан келганича Аллоҳдан қўрқибимиз лозим. Зулм ва хатолардан ўзимизни сақлашимиз керак. Биз одамларнинг дини ва адолатидан сўралмаймиз. Аммо ўзимизнинг динимиз ва адолатимиздан сўраламиз!

Қолаверса, диққат ва эътиборлироқ бўлишимиз лозим. Баъзи нарсалар кўринганидек бўлмайди. Баъзи инсонларнинг ортида биз билмаган кўп ҳикояси бўлади. Манзарада фақат кўзларингиз кўрган нарсани кўрасиз. Ақлингиз билан боқинг. Диққатли бўлинг. Нрсалар ҳақида озгина тадаббур қилинг. Фаросатни ишлатинг. Гоҳида ҳисларингизга эргашиб туринг, ишонинг улар сизни ҳақиқат сари бошлайди!

Абдулқодир Полвонов